

UZBEKS IN CENTRAL ASIA ARE ON A DIFFICULT PATH TO COOPERATION WITH UZBEKISTAN (1991-1997)

Yuldashev Akmal Bakhtiyorovich

Doctoral Student of Bukhara History Department of Bukhara State University

SUMMARY

This article scientifically examines the main directions and historical experience of cooperation between Uzbeks in Central Asia and Uzbeks in Uzbekistan through the analysis of sources.

Keywords: Central Asia, independence, Uzbeks, national, friendly societies, national-cultural center, kinship, marriage, border post, treaty, charter, diaspora, culture, tradition.

Аннотация: Ушбу мақолада Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар билан Ўзбекистон ўзбеклари ҳамкорлик алоқаларининг асосий йўналишлари ва тарихий тажрибаси манбалар таҳлили орқали илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Шунингдек, ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борада мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида мушоҳада юритилган.

Резюме: В данной статье посредством анализа источников научно исследуются основные направления и исторический опыт сотрудничества между узбеками Средней Азии и узбеками Узбекистана.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, мустақиллик, ўзбеклар, миллий, дўстлик жамиятлари, миллий-маданий марказ, қавм-қариндошлик, куда-андачилик, чегара пости, шартнома, устав, диаспора, маданият, анъана.

Ключевые слова: Средняя Азия, независимость, узбеки, национальный, общества дружбы, национально-культурный центр, родство, брак, пограничный пост, договор, устав, диаспора, культура, традиции.

КИРИШ

Марказий Осиё давлатларида мустақилликнинг дастлабки беш йилликлари ўта мураккаб ва конфликтоген воқеликлар юз бериши билан ҳам ҳарактерланади. Бу эса миллий-этник, этно-социал жараёнлар мувозанатига ўз таъсирини ўтказиб, миллатлараро муносабатларда ҳам намоён бўлади. Ушбу даврда Марказий Осиё ўзбеклари ҳам ўзлари истиқомат қилиб турган мамлакатлардаги бошқа миллатлар сингари тарих синовларига бардош бердилар. Аммо давлатлараро ва халқлараро муносабатлар тўхтаб қолмади.

1991-1995 йиллар давомида Марказий Осиё давлатларида совет ҳокимияти йиллари давридан мерос бўлиб қолган иқтисодий-ижтимоий қолоқлик ва инқироздан чиқиш, янги мустақил давлатда яшаш шароитига мослашиш, бозор иқтисоди асосларини яратиш, миллий қонунчилик базаси учун курашлар жараёнларида кечди. Шунингдек, ҳар бир давлат мустақил ички ва ташқи сиёсатининг концептуал стратегиясини белгилаб, халқаро

ташкilot ва уюшмаларга мустақил суверен давлат сифатида аъзо бўлиб кириш даври ҳам дастлабки беш йилда амалга ошди.

Марказий Осиё республикалари ўртасида мустақиллик шароитида янгидан ҳамкорлик алоқаларини тикланишида 1995 йил октябрь ойида Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида “Туркистон умумий уйимиз” шиори остида ўтказилган “Марказий Осиё давлатларининг маданий форуми” муҳим роль ўйнади. Ушбу анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон президентлари ўзларининг табрикларини йўлладилар.

Тарихан илдизи ва маданияти муштарак бўлган мамлакатларнинг ушбу форумида ўзбек ва қозоқ, туркман ва тожик ҳамда қирғиз илм фанининг, улуғ намоёндалари, адабиёт, театр, санъат соҳаси арбоблари иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Дўстлик” ордени билан тақдирланган машҳур қирғиз адиби Ч.Айтматов, ўзбек халқ ёзувчилари Одил Ёқубов, Примқул Қодиров, Қозоғистон халқ ёзувчилари О.Муҳаммаджонов, Қолдорбек Найманбоев, Қозоғистон фанлар академияси мухбир аъзоси, қозоқ шоири ва олими Мухтор Шохонов, Қирғизистон театр ва санъат устаси А.Ибраев, Қирғизистон халқ шоири Суюнбой Эралиев, Тожикистон фанлар академияси академиги Ўлмас Мирсаидов, Туркменистонлик олима О.Аннамуродова кабилар ўз чиқиш ва маърузаларида, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларидаги мулоқотларда Марказий Осиё давлатлари орасидаги узилиб қолган яхши қўшничилик, қавм-қарндошлик, маданий алоқаларни тиклаш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Қирғизистон шоири С.Эралиев “Марказий Осиё халқлари бир-бири билан борди-келди қилиб турардик, ёзувчилар билан ёзувчилар қўришарди, адабиёт кунлари ўтказиларди. Шуларнинг бари тўхтаб қолди. Тошкент яхши кўрган шаҳримиз, шунга ҳам келолмай қолган эдик. Мана беш йилдан кейин (1991-1995 йй.) ҳаммамизни бу ерга чорлаб, бошимизни кўшганларга катта раҳмат. Маданий-маърифий алоқаларни тиклаш керак дейишяпти. Қирғиз тилига ўзбекларнинг барча асарлари деярли таржима қилинган. Бироқ кейинги йилларда ўзбекларда қандай роман, қисса, ҳикоялар чоп этилганидан деярли хабарсиз келдик. Уларнинг ҳаммасини қайта тиклаш, янгитдан ривожлантириш учун ўтаётган форумнинг аҳамияти зўр бўлиши муқаррар”.

1996 йилда бошлаб минтақадаги ёш мустақил давлатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бир қадар ўнглана бориши билан, Дўстлик жамиятлари Кенгашлари ҳузурида Ўзбекистон-Қирғизистон, Ўзбекистон-Қозоғистон, Ўзбекистон-Туркменистон, кейинчалик Ўзбекистон-Тожикистон жамиятлари ташкил топди. Жумладан, 1996 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Ўзбекистон-Қирғизистон” дўстлик жамияти рўйхатга олинди, унинг устави 1997 йил 6 июлда тасдиқланди. Адлия вазирлиги 1998 йил 27 июнда “Ўзбекистон-Туркменистон” дўстлик жамиятини, 1998 йил 13 ноябрда “Ўзбекистон-Қозоғистон” дўстлик жамиятини рўйхатга олди. Ушбу жамиятларнинг асосий мақсади этиб, Ўзбекистон-Қирғизистон, Ўзбекистон-Туркменистон ва Ўзбекистон-Қозоғистон республикалари халқлари орасидаги маданий-маърифий, таълим-фан соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб дўстлик жамиятлари қуйидаги вазифаларни амалга оширади.

Қўшни давлатлар халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни ривожлантириш ва маданий-маърифий ришталарни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси тўғрисида ахборот-маълумот фондлари ва маълумотлар базасини яратиш, уларни маданият, санъат, илм ва маориф соҳаларида Ўзбекистон эришган ютуқлар билан таништириш, бадий жамоаларнинг ва яқка ижрочиларнинг чиқишини, теле ва кино кўрсатувларни, тасвирий санъат асарлари ва халқ ижоди маҳсулотлари кўргазмаларини, фотокўргазмаларни, тадбирлар комплексларини белгиланган тартибда уюштириш, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қўшни республика фуқаролари ҳамда уларнинг бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш ва ҳамкорлик қилиш, Ҳукумат ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ва ҳамкор давлатларнинг шаҳарлари ва ҳудудлари ўртасидаги гуманитар, илмий-техник, маданий алоқалар, шунингдек, шериклик муносабатлар масалалари бўйича халқаро алоқаларни ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш, Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборот билан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш, Жамиятнинг Устав вазифаларини бажариш учун ноширлик, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятларини амалга ошириш, фан ва маданият арбобларини, фахрийларни, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотларининг арбобларини ўзбек ва қирғиз халқларининг миллий-маданияти ва анъаналарини оммалаштиришда қатнашишга жалб қилиш, қўшни мамлакатлар делегациялари ва алоҳида шахслар қабулини уюштириш, юртдошлар гуруҳлари билан алоқаларни кенгайтириш ва делегация айрибошлашни йўлга қўйиш кабилар киради.

Аввало, Ўзбекистон билан Марказий Осиё ўзбеклари маданий ҳамкорлигида ушбу жамиятлар кенгашлар ҳузурида иш олиб борган “Ватандошлар билан алоқа боғлаш департаменти” фаолияти ижобий ишларни амалга оширганини қайд этиш ўринли бўларди. Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари Марказий Осиё республикаларидаги ўзбеклар миллий уюшмалари ҳамда Ўзбекистон билан ҳамкорлик мақсадида тузилган турдош дўстлик жамиятлари орқали янги мустақиллик шароитида ўзбеклар билан алоқаларни йўлга қўйдилар.

Ўзбекистон билан Марказий Осиё республикалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида 1996 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон-Қирғизистон”, “Ўзбекистон-Қозоғистон”, “Ўзбекистон-Тожикистон”, “Ўзбекистон-Туркманистон” дўстлик жамиятлари (ХАМА) ҳам муҳим роль ўйнади. Ушбу дўстлик жамиятлари Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуди халқаро миқёсда нишонланган “Амир Темур йили”га тўғри келди. Амир Темур юбилеи доирасида ушбу мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари кўмагида Марказий Осиё Республикалари олийгоҳларида, ўзбеклар кўп сонли бўлиб яшаётган жойларда ўзбек миллий маданий уюшмалари иштирокида конференция ва анжуманлар ўтказилди. “Ўзбекистон-Контакт” журналида “Қирғизистон-Ўзбекистон” дўстлик жамиятига аъзо бўлган ўзбекларнинг мақолалари, ҳикоя, очерклари босилди. Дўстлик жамиятларининг Халқаро, ёшлик, тиббиёт, хотин-қизлар бўлимларидаги тадбирларда ҳам Қозоғистон ўзбеклари иштирок этишди.

1996 йилда Ўзбекистон дўстлик жамиятлари делегацияси Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида бўлиб, ўша йилнинг 13-14 сентябрь кунлари Амир Темур юбилеига бағишлаб илмий-амалий конференция уюштирилди. Конференцияда “Ўзбекистон-Қирғизистон” дўстлик

жамияти раиси адиб Жуманиёз Жабборов, Андижон ва Жиззах вилояти ҳокимларининг муовинлари, ХАМА аъзолари, “Қирғизистон-Ўзбекистон” жамияти раиси Г.А.Фаттоев ва Ўшлик ўзбек фан ва маданият намоёндалари, санъат усталари иштирок этди. 1996 йил Ўш шаҳрида янги ташкил этилган “ўзбек-қирғиз фарзандлари таълим оладиган коллеж”да таълим-тарбия ишлари билан танишиб, унга Ўзбекистондан ўқув қўлланма, дарсликлар билан ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Нафақат Марказий Осиё республикаларида, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам Қозоғистон ва Қирғизистондан келган ўзбек ва қозоқлар иштирокида бир қатор тадбирлар ташкил этилди. 1996 йил 8 августда ХАМА биносида қозоқ шоири Жамбил Жабаевнинг 150 йиллик юбилейига бағишланган “Мушоира” тадбири ўтказилди. Ушбу тадбирда Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги фавқулотда ва мухтор элчиси, ёзувчи Йўлдош Сулаймон, “Нурли жол” газетаси бош муҳаррири Т.Холбоев, шунингдек, Қозоғистондаги ўзбеклар маданий маркази раиси муовини Турсуной Исмаилова, чимкентлик ўзбек шоирлари иштирок этди.

Ўша йили Чимкент ўзбеклар маданий маркази ташаббуси билан Чимкент шаҳрида “Ўзбек тили маданияти ва ўзбек одати миллий анъаналари” куни ташкил этилди. Ушбу кун доирасидаги тадбирларда жамбиллик, туркистонлик ўзбеклар қатнашиб, ўзбек урф-одатлари, анъаналарини сақлаш, тарғиб қилиш ҳақида муҳим мулоқотлар олиб бордилар. Ушбу каби тадбирлар Туркманистон ва Тожикистон ўзбеклари орасида ҳам ўтказилиб, “Ўзбекистон-Туркманистон”, “Ўзбекистон-Тожикистон” дўстлик жамиятлари томонидан санъат ва театр усталари учрашуви, ХАМА аъзоларининг бу давлатларга ташрифи тадбирлари уюштирилиб турилди. Айниқса, Хўжанд давлат университети ва Панжикент педагогика институтида ўтказилган илмий-амалий, илмий-назарий анжуманларнинг 9 тасида тожикистонлик ўзбек олимлари иштирок этдилар. Шунингдек, Ўзбекистонлик ўзбек олимлари ҳам ушбу анжуманларда иштирок этиб, миллатдошлари билан илмий мулоқотларда бўлдилар, илмий алоқалар ўрнатиш ҳақида келишувларга келишди.

Қозоғистондаги ўзбеклар жамияти билан танишиш, улар билан келишув аҳдномасини имзолаш учун “Ватандошлар билан алоқа бўлими” бошлиғи Н.Р.Нурматов Чимкент шаҳрида бир неча бор хизмат сафарларда бўлди. Ушбу шаҳар ўзбек маданий маркази жамоа бирлашмаси раиси М.Исоқов билан олиб борилган мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларида муҳим аҳамият касб этди. Бироқ ушуб уюшма фаолиятида ҳам ўзаро ҳамкорликнинг режалаштирилган вазифалари тўлиқ бажарилмади. Жумладан, 1996 йилда Марказий Осиё давлатлари дўстлик жамиятлари ва миллий-маданий марказларининг режалаштирилган Тошкент учрашуви амалга ошмади. Ёхуд келишувларда Марказий Осиё ўзбек миллий-маданий марказларини ўзбек тилидаги янги адабиётлар билан таъминлаш ишлари бажарилмади.

Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондаги ўзбек мактабларида “совет мафкураси”да чиқарилган ўқув дарслик ва қўлланмаларни ўқитиш давом этди. Ўзбеклар кўп сонли бўлиб яшаётган ҳудудларда ўзбек тилида бирор бир ўқув юрти очилмади. Шунингдек, ўзбек ёшлари олий ўқув юртларига ўқиш учун чет эл талабалари сингари хорижий валюта тўлаб ўқишда давом этдилар. Марказий Осиё давлатларидаги ўзбекларнинг миллий уюшмалари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар, ушбу уюшмаларга кўрсатиладиган ёрдам самарадорлиги юқори даражада бўлмади.

Хуллас, бу даврда Марказий Осиё давлатларидаги ўзбекларнинг Ўзбекистон ўзбеклари билан ҳамкорлик алоқаларида янги йўналишлари шакллана борди. Ўзбекистон чегараларининг очиқлиги ушбу даврнинг ўзига хос ижобий хусусиятлардан бири бўлиб, қўшни республикаларда истиқомат қилаётган ўзбекларнинг Ўзбекистон билан алоқалари ривожланиши учун замин яратди. Ушбу муносабатларнинг асосини қавм-қариндошчилик ва қуда-андачилик, савдо-сотик ва бозор, маънавий-маърифий ва илмий изланишлар, адабиёт ва санъат соҳаларидаги фаолият ташкил этди.

Фойдаланган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Миллий Архиви, М-2-фонд, 1-рўйхат, 167-йиғма жилд; 1, 2, 4, 5-варақлар.
2. Ўзбекистон Миллий Архиви, М-2-фонд, 1-рўйхат, 211-йиғма жилд; 18-19-варақлар, Шахсий суҳбат материаллари, 2019 йил 17-19 март.
3. Ўзбекистон Миллий Архиви, М-2-фонд, 1-рўйхат, 198-йиғма жилд; 48, 50-варақлар.
4. Ўзбекистон Миллий Архиви, М-57фонд, 1-рўйхат, 671-йиғма жилд. 9, 10, 11, 12-варақлар.
5. Ўзбекистон Республикаси ХАМА жорий архиви, 2005. 2011 йиллар ҳисоботлари, 3, 5-саҳифаларда.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг жорий архиви. 2017-2020 йиллар ҳисоботлари. (юқоридаги маълумотлар 4 йиллик ҳисоботларни умумлаштириш натижасида шакллантирилди).

Йўлдошев Акмал Бахтиёрович БухДУ Бухоро тарихи кафедраси докторанти.

Юлдашев Акмал Бахтиярович докторант БухГУ кафедраси Историю Бухары

Yuldashev Akmal Bakhtiyorovich doctoral student of Bukhara history department of Bukhara State University.

